O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 9 январь, № 6 (4159) Сешанба



## «Ўзсаламан» ёрлиғи билан

*Фарғона шаҳрида "Ўзсаламан" қўшма корхонаси ташкил этилганига қарийб ўн икки йил бўлди.*

"Фарғона пойабзал" ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган ушбу корхона 107 турдаги эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқараётир. Ўтган йиллар давомида ўзбек-немис ҳамкорлиги меваси бўлган ушбу корхона ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, жаҳон бозорида ҳам ўз нифузига эга бўлди. Айни пайтда "Ўзсаламан" тамғаси билан Германия, Россия, Афғонистон, Белоруссия сингари дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларига маҳсулот экспорт қилмоқда. Бу эса нафақат корхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширади, балки шу ерда ишловчиларнинг ҳам турмушини фаровон қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий хомашёдан унумли фойдаланилаётгани маҳсулот таннархининг арзонлашувиға хизмат қилмоқда.



СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши; илғор ишчи Одинахон Охунова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБЛАРИ

*Ҳиндистонда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган «Chandigarh-2007» халқаро турнирида икки нафар теннисчимиз шоҳсупага кўтарилди.*

Халқаро турнирнинг қизлар ўртасидаги беллашувларини иккинчи босқичдан бошлаган ҳамюртимиз Александра Колесниченко россиялик Регина Штягинани 6:2, 6:2, ҳиндистонлик теннисчилардан Ашваря Шриваставани 6:2, 6:3 ва Бхавани Тирумуртини 6:4, 6:0 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўлланма олди.

Финалга чиқиш учун ўтказилган баҳсда спортчимизга жиддий рақиб — турнирнинг учинчи рақамли ракеткачиси Яна Киреева (Россия) рўбарў келди. Александра биринчи сетда рақибасига 4:6 ҳисобида енгилган бўлса-да, кейингиларини 6:1, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, учрашувда ғолиб чиқди.

«Chandigarh-2007» халқаро турнири ғолиблиги учун ўтказилган финал беллашувида умидли спортчимиз тўртинчи рақамли теннисчи Жесси Ромпиезга қарши кортга чиқиб 6:0, 6:4 ҳисобида зафар қучди ва бош соврин соҳибаси бўлди.

Мазкур мусобақанинг ўғил болалар ўртасида ўтказилган жуфтлик беллашувларида ҳам ўзбекистонлик спортчи — Рифат Биктяков шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Россиялик Алексей Тихонов билан ҳамкорликда турнирнинг биринчи рақамли жуфтлигини ташкил қилган ҳамюртимиз мусобақанинг финал беллашувигача Ҳиндистон шарафини ҳимоя қилган учта жуфтликни мағлубиятга учратди.

Халқаро турнирнинг финалида Рифат Биктяков ва Алексей Тихонов жуфтлиги Жанубий Кореядан келган Жае Беом Ким ҳамда Жеонг Хан Сео дуэтига қарши кортга чиқиб, беллашувни 6:0, 6:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида



**БМТнинг янги Бош котиби Пан Ги Мун Ироқ ҳукуматига мурожаат қилиб, Саддам Ҳусайн билан бирга ўлим жазосига ҳукм этилган икки маҳбусни қатл этмасликка чақирди.** Бироқ расмий Бағдод вакилининг билдиришича, Ироқ собиқ президентининг ўгай укаси Барзан ат-Тикритий ва собиқ бош судья жорий ҳафта давомида қатл этилади.

**Камчаткага қор бўрони бостириб келди.** Натижада Сахалинда транспорт ҳаракати тўхтаб қолди. Кучли шамол бир неча электр узатгичларни ишдан чиқарди.



**Бразилиянинг жануби-шарқий ҳудудида бир ҳафтадан буён кучли ёмғир тинмаяпти.** Сув тошқинлари оқибатида камида 50 киши ҳалок бўлди. Сўнгги хабарларга кўра, 2 минг киши уй-жойидан айрилган. 13 минг аҳоли зудлик билан эвакуация қилинди.



**Қозоғистон ҳукумати Байконур космодромидан «Днепр» ракетасининг учирилишига рухсат берди.** Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги мамлакат Таълим ва фан вазирлигининг аэрокосмик қўмитаси раҳбари Мурат Нургажин берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Ўтган йили июль ойининг охирида «Днепр» ракетаси учирилаётганда ҳалокатга учраганди. Шундан сўнг расмий Остона «Днепр»нинг қайта учирилишига рухсат бермай келаётганди.



**Расмий Москва Минскдан нефть транзити учун қўлланилган божхона солиғини бекор қилишни талаб қилмоқда**. Россия иқтисодий ривожланиш ва савдо вазири ўринбосари Андрей Шаронов мазкур солиқни қўллаш икки давлат ўртасида имзоланган ўзаро келишув ва битимларга ҳамда Белоруссия қонунларига зид эканлигини таъкидлади.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

## «Кўппартияли тизимнинг самарали фаолиятисиз демократия тараққиёти бўлмайди»

*Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Франциянинг сиёсий, илмий ва экспертлар доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Президент И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз парламентига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан қатор франциялик экспертлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.*

Жумладан, Метц университети профессори, Европа парламентининг собиқ эксперти К.де Регуарднинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси сиёсий кучларнинг тизимлашуви ва жипслашувига йўналтирилган бўлиб, у мамлакатдаги партиялар фаолияти тўғрисида аҳолининг яхши хабардор бўлишига кўмаклашади.

Сиёсий тизим ислоҳотларининг оқилона рағбатлантирилиши демократияни кенгайтириш, ҳуқуқий тартиботни яхшилаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, сиёсий бирдамлик вазиятини, барқарорлик ҳамда уйғунликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни кўзда тутади. Кўппартияли тизимнинг самарали фаолиятисиз замонавий жамиятда демократия тараққиёти бўлмайди, деб ҳисоблайди К.де Регуард.

Шунингдек, университет профессори Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобини диққат билан ўқиб чиққанини таъкидлайди.

— Бундай кучли ирода ва истак келгусида Ўзбекистон мустақиллиги кафолатини таъмин этишига қўшилмаслик асло мумкин эмас, — дейди у. — Ўзбек миллий қадр-қиммати ва мустақиллиги учун жуда муҳим бўлган бундай улуғ мақсадга эришиш учун стратегик жиҳатдан дунёда муҳим ҳисобланадиган бу минтақада, шубҳасиз, тараққиёт ва иқтисодий янгиланиш зарурдирки, бунда сиёсий воситалар ва институционал ташкилотларнинг мустаҳкамланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳозирги пайтда Ўзбекистон Президентининг сиёсати туфайли ўзининг ифодасини топмоқда, деб ҳисоблайди К. де Регуард.

Ўз навбатида, Париж шаҳар адвокатлар ҳайъати ҳуқуқларини қўллаш бўйича юридик департаментнинг директори, Париж ҳудуди ҳуқуқшунослари Гильдияси раисининг ўринбосари А.Буана ҳам қайд этганидек, сиёсий партияларнинг ролини ошириш учун уларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда бош субъектлар сифатидаги фаолияти кўзда тутилган ҳолда тақдим этилган моддаларнинг Ўзбекистон Конституциясига киритилиши ҳокимиятда сиёсий масъулиятнинг аниқ-равшан юзага келишига кўмаклашади.

Ислоҳотлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда сиёсий партиялар сиёсий ҳаёт субъектларигина эмас, балки давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг бош иштирокчилари бўлиб қоладики, улар давлат ҳокимияти фаолиятининг натижалари учун сиёсий масъулиятни ўзларига олишади.

«Франс Пресс агентлиги»нинг журналисти Д. де Кошко Ўзбекистон раҳбариятининг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишдек олийжаноб мақсадларини табриклади. Журналистнинг фикрича, Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилганидек, бу мамлакатда халқнинг муносиб яшаш шарт-шароитларини таъминлашга устувор йўналиш сифатида қаралаётганидан далолатдир. Зеро, халқнинг оқилона ижтимоий ҳимояланганигина замонавий демократик жамият қуришнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.**
Париж.

## ЭШИТДИНГИЗМИ?



**БМТнинг Озиқ-овқат дастури инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи дунёдаги энг катта ташкилот ҳисобланади. Ўтган йили ушбу дастур доирасида ўзгалар ёрдамига муҳтож 90 миллион киши, жумладан, 58 миллион бола озиқ-овқат билан таъминланди.**

Қирқиш чизиғи

тирали уйдаги жойлар мулкдорларига ҳар йили уй-жой фондини бошқариш шартномасининг ўтган йилги бажарилиши тўғрисида жорий йилнинг биринчи чораги ичида ҳисобот тақдим этади.

Уй-жой фондининг мулкдори ёки у ваколат берган орган, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёхуд бошқарувчи ташкилот уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун тегишли хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ташкилотлар билан ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) доир шартномалар тузишга ҳақлидир".

**3-модда.** Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **"Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги 351–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 50-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **"Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида"**ги 352–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 51-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги 220–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) XI бўлими.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 8 январь
№ ЎРҚ — 77

16

Буклаш чизиғи



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Қирқиш чизиғи

ника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Кўп квартирали уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмас.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкдан ҳамда шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгадир.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчилари таянч ва тўсиқ конструкцияларни, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапояларни, зинапояларни, лифтларни, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталарни, даҳлизларни, техник қаватларни, ертўлаларни, чердаклар ва томларни, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни бошқа шахсга бериши мумкин эмас.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг улушли мулкида турган умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий улушли мулкнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор асосида бошқа шахсларга берилиши мумкин.

**125-модда. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқидаги улушларни аниқлаш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк ҳар бир иштирокчисининг улуши шу уйнинг умумий майдонидаги унга қарашли жой майдони улушига мос бўлади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга беришга, ундан фуқаролар ёки юридик шахслар фойдасига воз кечишга, шунингдек уни ўзига қарашли турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига сабаб бўлувчи ўзга хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас.

Турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга

8

Буклаш чизиғи

бўлган мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқидан ажралмасдир.

Кўп квартирали уйдаги турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқи янги мулкдорга ўтганда у шу уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси бўлади.

**126-модда. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси уни сақлаш, шунингдек шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни уйнинг умумий майдонидаги ўзига қарашли жой майдонига мутаносиб равишда ўз зиммасига олади.

**127-модда. Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш**

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари келишувига кўра амалга оширилади, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса мулкдорлардан исталган бирининг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни тасарруф этиш турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг барча мулкдорлари келишувига кўра амалга оширилади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг кўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга биноан бошқа шахсларга фойдаланишга, арендага берилиши мумкин.

**128-модда. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати**

Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг та-

9

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# МАҲОРАТ, ЧАҚҚОНЛИК КЎРИГИ



*«Ватан ҳимоячилари куни» ва Қуролли Кучларнинг 15 йиллигига бағишланган оммавий-ватанпарварлик тадбирлари Наманган вилоятида ҳам кўтаринкилик билан ўтмоқда. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Нурбек Абдуллаев бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Ватан ҳимоячиларининг анъанавий байрами олдидан ўтказиладиган навбатдаги тадбирларга пухта ҳозирлик кўрилди. Жойлардаги учрашувлар ҳар томонлама қизиқарли, мазмунли бўлиши учун уларга кенгашимиз билан доимий ҳамкорлик қилиб келаётган «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармалари ҳам жалб этилди.

«Ватанпарвар»нинг асосий мақсади — кенг халқ оммасини, айниқса, ёшларни меҳнатга ва юртни ҳимоя қилишга тайёрлашдир. Шу жиҳатдан олганда, тизимимизнинг бош бўғини Наманган автомобиль мактабида олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Мазкур ўқув маскани ҳар йили миллий армиямиз учун юзлаб малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Бу ерда яқингача фақат ҳарбий ҳайдовчилар тайёрланарди. Ўтган йилдан бошлаб эса қатор янги мутахассисликлар ҳам қўшилди. Жумладан, бўлажак аскарлар эндиликда ҳарбий ошпаз, чавандоз, дизелчи-электрик касбини ҳам эгалламоқдалар. Оммавий-ватанпарварлик ойлигининг дастлабки куниёқ автомактабда Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолотидир» рисоласи асосида курсантлар ва ишчи ходимлар учун давра суҳбати ташкил этилди. Қатнашчиларнинг барчасида катта таассурот қолдирган ушбу мулоқотга таклиф этилган уруш қатнашчилари, Қуролли Кучлар ва «Ватанпарвар» ташкилоти фахрийлари миллий армия Истиқлолимизнинг чинакам посбони эканлигини ҳаётий мисоллар асосида гапириб бердилар. Ўз навбатида Ватанни ҳимоя қилишда қатнашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, бу борада ёшлар олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Шу сингари тадбирлар жойларда ҳам бўлиб ўтмоқда. «Ватанпарвар»нинг Уйчи тумани кенгаши маиший хизмат коллежида уруш ва меҳнат фахрийлари билан уюштирган учрашув «Оталар жасорати — фарзандлар мероси» мавзусига бағишланди. Унда халқимизнинг қанчадан-қанча асл ўғлонлари юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда қаҳрамонлик кўрсатганлиги, бугунги авлод уларнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттираётгани ҳақида фикр юритилди. Махсус ташкил этилган китоблар кўргазмаси, тарихдан ҳикоя қилувчи саҳна кўринишлари, ҳаваскорларнинг бадиий чиқишлари учрашув таъсирчанлигини оширди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ бундай ибратли юмушлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Масалан, Янги йил байрами арафасида Мингбулоқ туманида «Шунқорлар» ҳарбийлашган спорт ўйинларининг дастлабки босқичи муваффақиятли якунланди. Наманган шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари талабалари эса ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича биринчиликда қатнашдилар. Унда саноат коллежи терма жамоаси ғолиб чиқди. «Ватанпарвар» Тўрақўрғон туман кенгаши тасаррруфидаги ўқув спорт-техника кулубида милтиқдан отиш, граната улоқтириш, тош кўтариш, арқон тортиш бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

Байрамолди тадбирларда, юқоридагилардан ташқари, спортнинг техник-амалий турлари бўйича беллашувлар уюштирилади. Уларда маҳоратини намойиш этишга шай турган ёшлар етарли. Чунки, айни пайтда кенгашимиз қошида фаолият кўрсатаётган 1300 дан ортиқ секция ва тўгаракларда ўттиз мингдан ортиқ йигит-қизлар жисмоний етуклик машқлари билан шуғулланмоқдалар.

Кўриниб турибдики, оммавий-ватанпарварлик тадбирлари вилоят марказидан тортиб, олис қишлоқларгача етиб боряпти. Бизнинг мақсадимиз фақат ойлик тадбир билан чегараланмай, бутун йил мобайнида узлуксиз давом эттиришдир.

**«Халқ сўзи» мухбири Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**



*Сиз суратда кўриб турган аёл Учқўрғон туманидаги "Гулхумор" фермер хўжалиги раҳбари Гулхумор Тоғаева. Мазкур хўжалик нафақат туманда, балки Наманган вилоятида ҳам иқтисоди бақувват жамоалардан саналади. Тасарруфида 206 гектар ер бор. Мавжуд майдонларда ғалла, пахта етиштиришади, ҳатто чорва моллари ҳам бор.*

*— Техникани инсон қаноти деб бежизга айтишмаган, — дейди фермер Зулхумор Тоғаева. — Ҳар йили режа ва топшириқларимизни муваффақиятли уддалашимизда техниканинг ўрни беқиёс. Барча турдаги техникамиз бор. Яқинда улар сафига "Класс" комбайни ҳам қўшилди. Демак, бу йил ғалламизни ҳам ўз комбайнимизда ўриб олиш имкони туғилди.*

*Айни пайтда хўжалик деҳқонлари қишки дала юмушлари билан машғул.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Маънавият**

*Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» деган байтлари тез-тез хаёлимда айланади. Зеро, инсон камолот пиллапоялари ила юксалмоқни ният қилар экан, аввало, ўзининг кимлигини, кимларнинг авлоди ва нималарга қодир эканлигини яхши англамоғи лозим. Ўзлигини, ўзининг қадр-қимматини англамаган кишини эса «мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ» бўлган ҳозирги мураккаб даврда алданганлар, адашганлар қаторига тушиб қолиш хавфи ҳар қадамда таъқиб қилади.*

# ВИЖДОН ИМТИҲОНИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Ёшларимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуси, Ватан, эл-юрт ва ота-она олдидаги масъулият ҳисси жўш ургандагина мамлакатимизнинг эртанги куни ишончли қўлларда бўлади. Уларни чуқур билимни юксак маънавият билан уйғунлаштира оладиган баркамол авлод қилиб тарбиялаш жараёнида энг асосий, самарали ва ишончли усул шахсий намуна, ибрат кўрсата олишдир.

**Шундай ривоят бор:** *бир одамнинг фарзанди ширинликка жуда ўч экан. Кўп қанд еб қўйиб иштаҳаси бўғилар ва бошқа овқат истеъмол қилишни хушламас экан. Бу нарса унинг саломатлигига таъсир этиб, озиб, ҳолсизланиб кетибди. Шифокорларга, табибларга кўрсатишдан, муолажалардан наф чиқмабди. Яқинларидан бири қўшни қишлоқда бир донишманд оқсоқол борлиги, болани шу кишига кўрсатиш кераклигини айтибди. У одам фарзандини олиб айтилган манзилга борибди. Оқсоқол уларни очиқ чеҳра билан кутиб олибди, мақсадларини билгач бир зум ўйга толибди ва бир ҳафтадан кейин келишларини сўрабди.*

*Орадан бир ҳафта ўтиб ота-бола яна ўша хонадонга келганларида отахон аввалги жойида ўтирар эди. Меҳмонларнинг саломига алик олгач болакайни ёнига чорлабди ва бошини силаб:*

*— Болам, қандни кўп еб қўймагин, ёқмайди, — дебди ва отасига юзланиб: «Бўлди, бораверинглар», — деб қўшиб қўйибди.*

*Ота бироз ҳайрон бўлиб уйга қайтибди. Лекин, тез орада болада жиддий ўзгариш бошланибди. Энди у ширинликка ружу қўймас, бошқалар қатори овқатланар ва энг муҳими ранги-рўйи ҳам ўнглана бошлабди. Отаси бундан бениҳоя хурсанд эса-да, бир оғизгина гап экан-ку, нега оқсоқол шу гапини биринчи борганимизда айта қолмади? Бунинг сири нимада экан, деб ўйланарди. Ана шундай хаёллар тинчлик бермай у яна оқсоқолнинг ҳузурига келибди, юзидан нур ёғилиб турган донишманд чолга таъзим қилиб миннатдорчилик изҳор этибди. Сўнгра минг истиҳола билан саволини берибди. Нуроний шундай жавоб қилибди:*

*— Сиз дастлаб фарзандингизни олиб келганингизда мен қанд еб ўтирган эдим. Бу ҳолда менинг бировга қанднинг зарари ҳақида гапиришим ҳеч қандай наф бермас эди. Шундан кейин мен ўзим қанд ейишдан тийилдим ва фақат шунинг учунгина фарзандингизга айтилган гапим ўз таъсирини кўрсатди.*

Дўппини олиб қўйиб ўйлаб кўришга арзигулик гап. Бугунги кунда ортимиздан келаётган авлодга қилаётган кўп панду насиҳатларимиз ҳамма вақт ҳам кутилган самарани бермаётганлигининг сабабини ўзимиздан ахтаришимиз керак эмасмикин? Масалан, ўзимиз ўқимасаг-у «кўп ўқиш» ҳақида ваъз айтганимиздан не наф? Ёки, таъмагирлик дардига мубтало бўлган устознинг ҳалоллик, адолат, маънавият ҳақидаги маърузасини шогирдлар қандай қабул қилади?..

Оз бўлса-да, учраб турадиган бундай иллатлар халқимизда азалдан ҳурмат-эътибор билан тилга олиниб келган обрўли инсонлар сиймосини андак нурсизлантириб, уларнинг нишонга тегадиган ўқдек сўзларини пақиллаб овоз чиқарадиган ўйинчоқнинг товушидек қадрсизлантириб қўйишини унутмаслигимиз лозим.

«Ўлик сўз жонли жавобни уйғота олмайди», дейди жаҳонгашта ёзувчилардан бири. Инсон қалби ва онги учун кураш авж олган ҳозирги мураккаб даврда бошқа одамнинг қулфи дилини очиб кўнглига йўл топиш учун эса, аввало, ўзимизнинг кўнглимиз очиқ бўлиши керак. «Қалбдан кўчган сўз қалбга кириб боради, тилдан чиққани эса қулоқдан нари ўтолмайди», дейилади араб халқ мақолида. Суҳбатдошимизнинг орзу умидлари, муаммолари, қайғу ҳасратларини юзаки эмас, чин дилдан ҳис этмоғимиз лозим. Самимиятга асосланган суҳбатлар эса ўзга дилларга ўзимизда бор бўлган эзгу ҳисларни олиб кирмоққа имкон беради. Носамимий, амалий тасдиғига эга бўлмаган қуруқ гап эса сўзнинг ҳам, сўз айтувчининг ҳам қадрини туширади.

Ўзимизга савол бериб кўрайлик: Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш борасидаги чиройли сўзларимизга бу борадаги кўп ва хўб амалий ишларимиз билан қанот бағишлай олаяпмизми? Бу саволга ёки шоирнинг «Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?» деган мурожаатига адолат билан жавоб излайдиган бўлсак, қилганларимиздан кўра энди амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз кўпроқ эканлиги аён бўлади. Зеро, Она олдидаги қарзни узиб, адо қилиб бўлмаганидек, Ватан олдида ҳам ҳамиша бурчли бўлиб қолаверамиз.

Вилоятимиз марказида 2005 йилнинг май ойида юз берган мудҳиш воқеалардан кейин турли жойларда аҳоли орасида Ватан ҳақида, унинг муқаддаслиги тўғрисида суҳбатлар, мулоқотларда қатнашдик.

**Шу кунлари болаликда эшитганим ушбу ривоят ҳам тилимга кўчди:**

*Бир подшоҳ кўп юртларни босиб олибди. Фақат битта давлатни босиб олиш учун уринишлари самара бермабди. Шунда у донишмандларни тўплаб маслаҳат солибди. Ўша давлатнинг ичидан тарафдор топиш ягона йўл деган фикрга келишибди. Подшоҳ турли йўллар билан жосуслар юбориб ўзига хайрихоҳ одамни топиб ёллашни топширибди ва «унга салтанатимда энг юқори ўринни бераман», деб ваъда қилибди. Ўша давлатдан имони сустроқ бир йигит ватанини сотиб юрт дарвозаларини душманга очиб берибди. Сарҳадлари мустаҳкам бўлган кучли давлат осонлик билан босиб олинибди.*

*Ўзга мамлакат жосусларига ёлланган йигит катта мукофотни кутибди. Шунда подшоҳ аёнларини йиғиб йигитни дорга осишни буюрибди. Йигит «дод» солиб подшоҳни лафзсизликда айблабди.*

*— Мен берган ваъдамнинг устидан чиқдим, — дебди шунда подшоҳ. — Сенга аталган салтанатимнинг энг баланд жойи мана шу. Чунки, мана шу дор менинг тахтимдан-да баланд турибди. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки, ўз ватанига, халқига хиёнат қилган инсон бизга содиқ бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Сен учун муносиб мукофот — дор!*

Барча замон ва барча маконларда ҳам Ватанга хиёнат энг оғир, кечирилмас гуноҳ ҳисобланган. Юртимиз осмонини қора булутлар қоплаган ўша машъум кунлари билиб-билмай ана шундай оғир гуноҳ ишга аралашиб, адашганларнинг айримлари сизу бизнинг атрофимизда юрганлар эди. Уларнинг шу ҳолга тушиб қолишларига атрофидаги кишиларнинг, жамоатчиликнинг бепарволиги, томошабинлиги ҳам сабаб бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Бу каби мудҳиш фожеаларнинг олдини олиш учун ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ва уларни маънавий баркамоллик сари йўналтиришга доимий эътибор берилмоқда. Бу жараёнда ҳам жонли ва таъсирчан сўз асосий восита бўлади.

Андижондаги хунрезликлар айбдорлари устидан одилона ҳукм эълон қилинди. Жавобгарликдан қочиб юрганлар учун эса элнинг тавқи лаънати ва ватангадоликнинг ўзи катта жазо. Лекин, вақт ўтиши билан ўша мудҳиш фожеаларнинг асоратлари хотираларимиздан нари кетмай ботбот ўйга толдиради. Юз минглаб юртдошларимизнинг таги пуч даъватларга учмаганлиги, вайронкорларга нисбатан нафратларини намоён қилганликлари бизнинг ютуғимиз, бахтимиз. Лекин, ўша оз сонли алданганлар ҳам киндик қони тўкилган тупроқни муқаддас биладиган, қорни тўйган жойни ватан тутавермайдиган ўзбек миллатининг фарзандлари эди-ку?! Нега улар ғоявий мухолифларимизнинг ширин ёлғонларига ишонишди? Бугун ҳам ёлғон ахборотларни ялтироқ гулқоғозлардек жимжимадор мишмишларга ўраб содда ва ишонувчан кишиларга чин сўз баҳосида сотаётганларнинг тегирмонига кимлар сув қуймоқда?.. Ёшларнинг ёлғон ахборот ва нотўғри тарғиботлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун етарли иш олиб боряпмизми? Вақтинчалик муаммоларни рўкач қилиб бошқаларда нохуш кайфият уйғотувчи сафсата сотаётган ношукур бандаларга қарши мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ижобий ўзгаришларга соғлом тафаккур билан қараш лозимлиги ҳақида дадил, содда ва тушунарли тилда жавоб айта олаяпмизми?.. Бу оғриқли саволлар барчамизнинг юракларимизни зирқиратади, баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги фаолиятимизни масъулият билан жиддий таҳлил қилишга, ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этади. Рост сўзнинг ёлғон олдида ожиз бўлиб қолмаслиги учун ҳар биримизни жиддийроқ бош қотиришга, лоқайдлик ва бепарволикдан халос бўлишга, Ватан тақдирига дахлдор бўлиб нафас олишга ундайди.

Ана шундай долзарб паллада дунёқараши энди шаклланаётган ёшларда Ватанга садоқат туйғуларининг шаклланиши, ривожланиши ва камол топишида яхши сўз билан бирга яхши амалнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам ёшларимиз ўзларидан бир неча кўйлакни кўпроқ йиртган устозлари, мураббийлари, ака-опалари тимсолида Ватан учун, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун нималар қилаётганини кўриб туришсин. Ватаннинг корига яраш ва унинг равнақи учун ҳар биримиз имкониятларимиз даражасида нимадир қилишга интилаётганимизни билишсин. Шу азиз Ватаннинг, шу муқаддас заминнинг фарзанди эканлигимиздан, унинг тобора гуллаб яшнаётгани, халқаро ҳамжамиятда нуфузи ортиб бораётганидан фахрланаётганлигимизни сезиб туришсин. Бизнинг сўзимиздан, бизнинг хатти-ҳаракатимиздан Ватанни, унинг тупроғини азиз билган кишининг ўзи ҳам азиз бўлишини англаб етишсин. Ана шундай ибрат намунаси ёшларимизга ватанпарварлик ҳақида соатлаб ўқилган қуруқ, ҳиссиз, баландпарвоз маърузадан кўра самаралироқ таъсир этишига шубҳа йўқ.

Сўзларимиз бошқаларга ўзимиз кутгандек таъсир этиши учун амалий ишларимиз ҳам унга мос келсин. Гоҳ-гоҳ тошойнадаги суратимизга қараб у ёқ-бу ёғимизни ўнглаганимиз сингари вақти-вақти билан сийратимизга ҳам назар солиб ўзимизни виждонимиз олдида имтиҳон қилиб турайлик. Эл олдида сўз айтмоқ масъулиятини зиммаларига олаётган раҳбарлар, мураббийлар, олимлар, ижодкору зиёлилар эса буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоийнинг «Улки, буюриб ўзи қилмағай, ва ҳеч кимга асар онинг сўзи қилмағай» деган пурмаъно ҳикматларини ҳар он ёдларида сақласин.

**Ҳабиб СИДДИҚ, ёзувчи.**
Андижон вилояти.

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАРГА КЎМАК

"Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури"га мувофиқ "Меҳр нури" жамғармаси томонидан эълон қилинган энг яхши бизнес-режа лойиҳалари танловининг ғолиблари аниқланди. Улар орасида бухоролик ишбилармон аёллар ҳам бор.

Ғиждувон туманидаги "Янгибой қизи Гулруҳ" хусусий фирмаси ўз фаолиятини янада ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Корхона раҳбари Гулноза Раҳимова маҳсулот ва хизматлар турини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича тайёрлаган лойиҳаси учун уч миллион сўм миқдоридаги грантга сазовор бўлди. Шунингдек, бухоролик тадбиркорлар Шаҳло Тилавова, Нафиса Ғофурова, Гулноза Каримова ҳам жамғарма грантларидан фойдаланади.

Бизнес-режага кўра, олинган грантлар ҳисобидан ўттиздан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланади.

**Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.**

Қирқиш чизиғи

шаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Ширкатларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади";

9) **IX бўлимнинг номи** ва **129, 132–136-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"IX БЎЛИМ. ТУРАР ЖОЙЛАР ҲАҚИНИ, УЙ-ЖОЙНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ТЎЛАШ**

**129-модда. Муниципал, идоравий уй-жой фонди уйларидаги турар жойлар ҳақини ижарага бериш шартномаси бўйича тўлаш**

Муниципал, идоравий уй-жой фонди уйларидаги турар жойга тўланадиган ҳақ миқдори турар жойни ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузиладиган ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади.

Муниципал, идоравий уй-жой фонди уйларидаги турар жойни ижарага бериш шартномаси бўйича тўланадиган ҳақ миқдори уйни ва умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш харажатларининг ўрнини қоплашни таъминлайдиган, ижарага берувчи томонидан турар жой умумий майдонининг бир квадрат метри ҳисобида белгиланган ставкалардан келиб чиқиб белгиланади.

Муниципал ва идоравий уй-жой фондини тиклашга ажратмалар ҳамда ижарага берувчининг норматив фойдаси турар жойнинг ижара ҳақига киради".

**"132-модда. Кўп квартирали уйдаги турар жойларни ва умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари**

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ўзига қарашли турар жойни ўз ҳисобидан тегишли техник ва санитария ҳолатида сақлайди, шунингдек кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олади.

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий харажатларни, қоида тариқасида, мажбурий бадаллар шаклида биргаликда зиммаларига оладилар, бу бадаллар кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш, уни жорий ва капи-

10

Буклаш чизиғи

минлаши, кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулки таъмирланишини таъминлаши шарт";

7) **50-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижарага олувчи, ижарага олувчининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар:

кўп квартирали уйнинг турар жойларидан, умумий фойдаланишдаги мол-мулкидан белгиланган мақсадда, бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, ўзга ҳуқуқларини камситмаган ҳолда фойдаланиши;

турар жойларнинг асралишини таъминлаши, шунингдек уларни тегишли техник ҳамда санитария ҳолатида сақлаб туриши;

авария юз берган тақдирда, ўзлари эгаллаб турган турар жойга тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари киришларини таъминлаши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган техник, санитария, экологик ва ёнғинга қарши талабларни бажариши;

ижара шартномаси бўйича турар жойлар ҳақини ва коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт";

8) **VIII бўлим** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"VIII БЎЛИМ. КЎП КВАРТИРАЛИ УЙДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАР ВА ЯШАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЖОЙЛАР МУЛКДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИ. ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТИ**

**124-модда. Турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқи**

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-тех-

7

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 19 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **211-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"211-модда. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки**

2

Буклаш чизиғи

гиланган тартибда амалга оширилади.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйни бошқариш бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Уй-жой фондини бошқаришга доир шартномаларнинг намунавий шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**139-модда. Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари**

Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари ёзма шаклда тузилади.

Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот, бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари, иккинчи томондан, уй-жой фондини бошқариш шартномасининг тарафларидир.

Уй-жой фондини бошқариш шартномасининг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

бошқарув амалга ошириладиган кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки таркиби ҳамда уйнинг манзили;

кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкини, шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси сақланишини таъминлаш бўйича бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотнинг мажбуриятлари;

бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот хизматларига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори;

кўп квартирали уйнинг техник ҳужжатларини топшириш шартлари;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби.

Уй-жой фондини бошқариш шартномаси шартлари кўп квартирали уйдаги жойларнинг барча мулкдорлари учун бир хил белгиланади.

Агар уй-жой фондини бошқариш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот кўп квар-

15

ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатида вайрон бўлган уй-жой фондини тиклаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Кўп квартирали уйларни жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағларни жамлаш (йиғиш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**138-модда. Уй-жой фондини бошқариш**

Уй-жой фондини бошқариш уй-жой фондини, муҳандислик ускуналарини, шу уйларга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаларини лозим даражада сақлашни, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашни ҳамда фуқароларнинг яшаши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган бошқа фаолиятни ўз ичига олади.

Давлат уй-жой фондини бошқариш уй-жой фондининг мулкдори билан бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага биноан амалга оширилиши мумкин.

Хусусий уй-жой фондини бошқариш бевосита турар жойлар мулкдорлари, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулда амалга оширилиши мумкин.

Кўп квартирали уйни бошқариш усули шу уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кўп квартирали уй турар жойлар мулкдорлари томонидан бевосита бошқарилганда шу уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ёки уни таъмирлаш ишларини бажариш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномалари турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарорлари асосида тузилади. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда турар жойлар мулкдорлари номидан турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан вакил қилинган турар жойлар мулкдорларидан бири ёки бир нечтаси иш кўришга ҳақлидир.

Ширкат ташкил этилган кўп квартирали уйни бошқариш "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бел-

14

Буклаш чизиғи

Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка эгалик ҳуқуқидаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари улушларининг миқдори ҳамда мазкур мол-мулкни сақлаш ва асраш бўйича харажатларни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш тартиби уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга беришга, ундан фуқаролар ёки юридик шахслар фойдасига воз кечишга, шунингдек уни ўзига қарашли турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқидан алоҳида тарзда бошқа шахсга ўтишига сабаб бўлувчи ўзга хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас";

2) **219-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**"219-модда. Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш**

Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади".

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

3

Қирқиш чизиғи

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори ўзига қарашли жойга кўп квартирали уйга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ёки авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари умумий мол-мулкнинг ҳолатини назорат қилиш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш мақсадида мулкдорни олдиндан хабардор қилгач, унинг борлигида киришларини таъминлаши шарт.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори авария ҳолати юзага келган тақдирда, аварияни бартараф этиш учун тегишли авария-таъмирлаш хизматлари вакиллари ўзига қарашли жойга киришларини дарҳол таъминлаши шарт. Квартира мулкдори йўқлигида аварияни бартараф этиш учун бу жойга кириш ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида тегишли авария-таъмирлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

Кўп квартирали уйдаги квартира мулкдори маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта қурган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт";

5) **35-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Кўп квартирали уйдаги турар жойни ижарага олувчи турар жойдан фойдаланиш билан бир қаторда шу уйнинг умумий фойдаланишдаги мол-мулкидан (уйнинг умумий жойлари, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги иҳоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердаклар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар, шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаси, шунингдек кўп квартирали уйдаги кўчмас мулкнинг ягона мажмуига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бошқа объектлардан) белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир";

6) **49-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ижарага берувчи ижарага берилган турар жой жойлашган уй лозим даражада сақланишини амалга ошириши, ижарага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизматлар кўрсатиши ёки хизматлар кўрсатилишини таъ-

6

Буклаш чизиғи

тал таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш харажатларининг ўрнини қоплаши керак.

Кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича мажбурий бадаллар миқдори мазкур уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда турар жойлар мулкдорлари билан мажбурий тартибда тузиладиган шартнома асосида иштирок этадилар. Шартноманинг шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мулкдорнинг кўп квартирали уйдаги ўзига қарашли турар жойдан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ҳамда шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этишдан тўлиқ ёки қисман озод қилмайди.

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ўзининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлардаги иштирокига доир мажбуриятини турар жойни шартнома бўйича ижарага, арендага олувчига ўтказиши мумкин, бунда ҳақнинг ўз вақтида тўланиши масъулияти турар жой мулкдорининг зиммасида бўлади.

Кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдори ширкатни, бошқарувчини (ижрочи директорни) ёки бошқарувчи ташкилотни ёхуд турар жойлар мулкдорлари томонидан вакил қилинган шахсни умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни тўлашга доир мажбуриятлар жойни ижарага, арендага олувчига ўтказилганлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

**133-модда. Коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар**

Коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сувни чиқариб юбориш (канализация), электр таъминоти, газ таъминоти, иси-

11

Қирқиш чизиғи


## ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ «ZAURAK-MILL» (ОЛТИНГУГУРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ) ҚЎШМА КОРХОНАСИГА

(Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Охунбобоев ш., Туялас к., 35-уй) нисбатан Андижон вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 декабрдаги 17-06-05-13748-сонли иш юзасидан чиқарган ажримига асосан БАНКРОТЛИК ИШИ ҚЎЗҒАТИЛИБ КУЗАТУВ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Муваққат бошқарувчи — В.Г.Абдуллаев. Телефон: 971-23-57.

Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2007 йил 2 февраль куни соат 10.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади (Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Заврок қишлоғи, Ўзбекистон-Германия «Zaurak-Mill» қўшма корхонаси).

Манфаатдор шахслар ваколатнома билан қатнашишлари сўралади. Ишга оид ҳужжатлар билан танишиш учун 2007 йил 10 январдан бошлаб ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача бевосита жамият ҳисобхонасига ёки муваққат бошқарувчига мурожаат қилиш мумкин.

24Н/15



## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

*қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги аспирантурага қабул эълон қилади:*

- **Маданий-маърифий фаолият назарияси, усулиёти ва уни ташкил қилиш.**
- **Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик.**

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2007 йил 20 январгача қабул қилинади.*

**Мурожаат учун манзил: 700164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127-А уй. Телефонлар: 162-03-23, 162-38-33.**

11Н/10



## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 13 февраль куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.

**1.** Тошкент шаҳри Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 6 ноябрдаги 3941-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасидаги Тошкент шаҳри ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 10Q21-49 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.**

**2.** Тошкент шаҳри Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 13 ноябрдаги 3964-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасидаги Тошкент шаҳри ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 30Р60-37 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21061» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.**

**3.** Тошкент шаҳри Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 6 июлдаги 2491-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасидаги Тошкент шаҳри ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 30К98-23 бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 300 000 сўм.**

**4.** Тошкент шаҳри Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 6 июлдаги 2490-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасидаги Тошкент шаҳри ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 10W59-01 бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 300 000 сўм.**

**5.** Тошкент шаҳри Бектемир тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 10 октябрдаги 3788-3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасидаги Тошкент шаҳри ИИББ ахборот маркази омборхонасида сақланаётган давлат рақами 30В09-15 бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-1309-138» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.**

**6.** Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2005 йил 4 октябрдаги 8967/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган давлат рақами 10О34-93 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21013» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 311 201 сўм.**

***Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.***

ШУНИНГДЕК,

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмасининг 2006 йил 11 декабрдаги 17980/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 йил 23 январда очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши белгиланган, бошланғич баҳоси — 13 000 000 сўм ва давлат рақами Х277КОМ бўлган «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ-280» русумли автотранспорт воситаси ҳамда Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмасининг 2006 йил 15 майдаги 7474/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 йил 30 январда очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши белгиланган, бошланғич баҳоси 1 700 000 сўм ва давлат рақами 30В57-20 бўлган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси савдолардан олинди.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**



*Ҳурматли юртдошлар!*

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»И

TURON BANK

**сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.**



- **«Туронбанк» сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиз.**
- **«Туронбанк» сўм пластик карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга ошириши мумкин.**
- **Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.**
- **Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, накд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.**
- **«Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага, ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 14 фоиз устама даромад ҳисобланади.**

**БУНДАН ТАШҚАРИ, «ТУРОНБАНК» КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА КОРПОРАТИВ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**БУНДА КОРХОНАЛАР ЎЗИНИНГ ВАҚТИ ВА МАБЛАҒЛАРИНИ ТЕЖАШИ МУМКИН.**

**Корпоратив пластик карточкалар — бу корхонанинг универсал тўлов воситаси.**

- **«Туронбанк» — сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларни сир сақланишига кафолат беради.**
- **«Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-32-32, 144-32-52.**

**«Туронбанк» сиз билан, сиз учун!**


«Пекин-2008»

*Маълумки, футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси «Пекин — 2008» Олимпиада ўйинларининг гуруҳ босқичидаги илк саралаш учрашувини 7 февраль куни Тошкентда Тожикистон футболчиларига қарши ўтказади.*

## Саралаш учрашуви бошланади

Вадим Абрамов ва Миржалол Қосимовлар мураббийлик қилаётган жамоамиз ўқув-йиғин машғулотларида қатнашиш учун кеча БААнинг Шаржа шаҳрига учиб кетди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Йиғинга қуйидаги футболчилар чақирилган:

**Дарвозабонлар** — Александр Лобанов «Сўғдиёна», Элдор Тожибоев «Пахтакор», Азиз Аширов «Трактор». **Ҳимоячилар** — Шавкат Муллажонов «Қизилқум», Александр Клецков, Ахрол Рисқуллаев, Анзур Исмоилов, Раҳмат Бердимуродов «Пахтакор», Виктор Попенко «Рубин» (Россия), Баҳром Йўлдошев «Трактор». **Ярим ҳимоячилар** — Музаффар Умрзоқов «Трактор», Одил Аҳмедов , Садриддин Абдуллаев, Фарҳод Тожиев «Пахтакор», Нодир Қўзибоев «Нефтчи», Азиз Иброҳимов, Лутфулла Тўраев «Машъал», Собир Усмонхўжаев «Қизилқум», Дилшод Шарофитдинов «Самарқанд-Динамо». **Ҳужумчилар** — Баҳодир Насимов «Самарқанд-Динамо», Шаҳбоз Эркинов «Пахтакор», Камолиддин Мирзоев «Машъал», Марат Бикмаев «Рубин» (Россия).

**З. ЖОНИБЕКОВ.**




## АБИТУРИЕНТ — 2007

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА**

кириш имтиҳонлари — тестга мукаммал технология асосида тайёрланишни хоҳлаган ёшларни (жумладан, 10-11-синф ўқувчиларини ҳам)



**МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАЙДИ.**

*Дарсларни университетнинг юқори малакали ўқитувчилари олиб боради.*

*Ўқиш муддати — 7, 5 ва 3 ой.*

*Ўқиш — 10 январь, 1 март ва 1 майдан бошланади.*

*Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.*

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., Университет к., 2-уй, Тошкент давлат техника университетининг бош биноси, 7-қават, 708-хона, олий математика кафедраси. Телефон: 396-82-40. Ички телефонлар: 270, 263.**

